

ЛИНДАВИТ КАРДИО
ОВҚАТГА БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАНИ
ҚЎЛЛАШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Таркиби: 1 вишиллайдиган таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

Калий (калий гидрокарбонати)	300 мг
Магний (магний сульфати)	100 мг
АСТІ Q10 40% (коэнзим Q10)	10 мг
Е витамини (dl-альфа-токоферил ацетати)	10 мг
С витамини (L-аскорбин кислотаси)	50 мг
Ниацин (никотинамид)	25 мг
Рух (рух сульфати)	8 мг
Тиканли дўлана меваларининг қуруқ экстракти	20 мг
Арслонқуйруқнинг қуруқ экстракти	20 мг
Селен (натрий селенити)	50 мкг
D витамини (холекальциферол)	5 мкг
B12 витамини (цианокобаламин)	2 мкг
B6 витамини (пиридоксин гидрохлориди)	1,2 мг
B1 витамини (тиамин моноксиди)	1 мг
B2 витамини (рибофлавин)	1 мг
Фолат кислотаси (птероилмоноглутамин кислота)	0,4 мг

ёрдамчи моддалар:

Лимон кислотаси E330, сорбит E420, натрий карбонати E 500, апельсинли хушбўйлаштиргич, полиэтиленгликоль E 1521, глюкоза, сукралоза E 955, шафтоли хушбўйлаштиргичи, сариқ шафақ FCF E110.

Қўллаш соҳаси

Линдавит Кардио - юрак-қон томир тизимини функционал қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва ўсимлик компонентларини мажмуасини сақловчи озуқага биологик фаол қўшимчанинг энг янги мувозанатлаштирилган мажмуаси ҳисобланади.

Фаол ингредиентларнинг хусусиятлари

Калий артериал босим кўтарилишидан организмни химояловчи минерал ҳисобланади, ва, демак, инфарктлардан ва insultлардан химоя қилади.

Магний ҳаётий зарур минерал модда бўлиб, у организмда жуда ҳам кичик миқдорларда сақланади. Магний организм ҳужайраларини энергия билан таъминлаш учун жуда ҳам муҳимдир, у алмашинув жараёнларида фаол иштирок этади, юрак мақомини ишини барқарорлаштиради, қон ташувчи томирларнинг спазмларини сусайтиришга ёрдам беради, нерв-мушак қўзғалувчанлик жараёнида иштирок этади.

Коэнзим Q₁₀ организм учун табиий модда ҳисобланади. Коэнзим Q₁₀ айниқса юрак ва мушакларнинг иши учун зарур бўлган энергия ишлаб чиқарилишида иштирок этади. Коэнзим Q₁₀ юрак ва қон томирларни мустаҳкамлаш, ҳужайралар қаришини секинлаштириш, иммун тизимни кучайтириш, ҳаёт фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Антиоксидантлар ҳисобланувчи *С* ва *Е витаминлари* атеросклероз ривожланишига йўл қўймайди, апоплексик зарба ва инфаркт хавфини камайтиради.

Ниацин (никотинамид) юрак-қон томир тизимида ижобий таъсир қилади, хусусан, қон айланишини яхшилаб, майда периферик қон томирларни кенгайтиради.

Рух жуда ҳам муҳим компонент бўлиб, у одам организмни таянч-ҳаракат тизимини ўсиши ва ривожланиши ва қон айланишини тиклаш учун жуда муҳимдир.

Дўлана экстракти юрак мушакларининг мустаҳкамланишига, қонда холестерин алмашинувини яхшилашга, юракнинг коронар қон томирларида қон айланишини қўллаб-қувватлашга, юрак мақомини ва артериал босимни меъёрга қўллаб туришга ёрдам беради.

Арслонқуйруқ экстракти марказий нерв тизими қўзғалувчанлигини камайтиради, юрак қисқариш мақомини секинлаштиради ва уларнинг кучини оширади.

Селен холестерин алмашинувида иштирок этади ва унинг қондаги даражасини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, селен қон босимини ва қон ташувчи томирларнинг эгилувчанлигини меъёрда қўллаб туради, юрак мушаклари ишида иштирок этади.

D витамини холестериннинг ортиқ миқдорлари ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади ва холестерин тошмалари ҳосил бўлишидан артерия деворларини ҳимоя қилади.

B12 витамини (цианокобаламин) барча ҳужайраларнинг, айниқса суяк илиги ва марказий нерв тизими ҳужайраларининг меъёрда фаолият юритиши учун зарур. У ёғлар, оксиллар ва углеводлар метаболизмида иштирок этади.

B6 витамини (пиридоксин гидрохлориди) ҳужайра мембранаси орқали аминоскислоталар метаболизмида ва транспортида иштирок этади. Юрак мушагига кислороднинг етарлича етиб келмаслигида метаболик жараёнларни қўллаб-қувватлайди. Юрак мушагида холестериннинг қатламлашишидан ҳимоя қилади.

B1 витамини (тиамин) организмнинг энергия алмашинувида иштирок этади, нерв тизимининг фаолият юритишини таъминлайди. У юрак, мушаклар, суяк илигининг меъёрда ишлаши учун зарурдир.

B2 витамини (рибофлавин) организмда моддалар алмашинувининг тартиблаштирувчиси ролини ўйнайди. У оксиллар, ёғлар ва углеводларнинг парчаланиш ва синтез жараёнларини меъёрлаштиради.

Фолат кислота (птероилмоноглутамин кислота) , шунингдек, юрак ва қон томирлар саломатлиги учун муҳимдир. У қон ташувчи тизимни ривожлантириш учун зарур, қон ҳосил қилишда иштирок этади, қизил қон таначаларини меъёрда шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, фолат кислотаси бир қатор витаминларнинг ва холестериннинг алмашинувида ижобий таъсир кўрсатади, аминокислоталарнинг меъёрдаги алмашинувини қўллаб-қувватлайди. Бу юрак ва қон томирлар соғлом бўлишини ва тўла кучда ишлашни давом эттиришини англайди.

Қўллаш усули ва дозалар

Вишиллайдиган таблеткани бир стакан сувда эритилсин.

Катталарга ва 14 ёшдан катта ўсмирларга 1 вишиллайдиган таблеткадан суткада 1 марта овқат вақтида тайинланади. Қабул қилиш курси 20-40 кунни ташкил қилади. Такрорий курс 1-3 ой ўтгандан кейин имкони бор.

1 вишиллайдиган таблеткага озуқавий қиймат (г):

Оксиллар	0,00
Ёғлар	0,00
- шу жумладан, тўйинганлар	0,00
Углеводлар	<0,5
- шу жумладан қандлар	<0,5
- шу жумладан полиоллар	<0,5
Туз	0,29
Энергия қиймати	22 кДж / 5 ккал

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:

- витаминлар ва минераллар сақловчи бошқа препаратлар билан ҳамкорликда қабул қилиш тавсия этилмайди;
- ўткир гломерулонефрит;
- яра касаллигининг зўриқиши;
- брадикардия;

- 14 ёшгача бўлган болалар;
- БФҚнинг таркибий компонентларидан бирон бирига юқори сезувчанликда қўлланилмасин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қабул қилиш фақат шифокор билан маслаҳатлашишдан кейин имкони бор.

Бериш тартиби: рецептсиз.

Сақлаш шароитлари

Тўғри куёш нурлари ва намлик тушишидан ҳимоялансин, 0°Сдан 25°Сгача ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Чиқарилиш шакли

20 вишиллайдиган таблеткалар бир тубада, 1 туба давлат ва рус тилидаги қўллашга доир йўриқнома билан биргаликда картон кутига жойлаштирилади.

Яроқлилиқ муддати

24 ой.

Қадоқнинг пастки қисмида кўрсатилган яроқлилиқ муддати ўтганидан кейин қўлланилмасин.

Ишлаб чиқарувчи:

Polski Lek Sp. z o.o., Польша

Сертификат эгаси:

Belinda Laboratories LLP., Лондон, Буюк Британия

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмолчилардан шикоятларни қабул қилишга ваколатланган ташкилот:

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100052,

Мирзо Улуғбек тумани, Оққурғон кўч., 1,

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82.

E-mail: ameliyapharm@gmail.com